

Ўзбекистон Республикаси номидан

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2020 йил март ойининг 24 куни фуқаролик ишлари бўйича Каттақурғон туманлараро судининг очиқ сайдер суд мажлиси жиноят ишлари бўйича Пахтачи туман суди биносида бўлиб,

раислик этувчи, судья Турсунов Сухроб Норкулович,

С.Омоновнинг котиблигига, даъвогар Пахтачи туман фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгашининг жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидовичга нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани бузиш ва ер майдонини фермер хўжалиги ихтиёрига қайтариш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, суд қуидагиларни,

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Пахтачи туман фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши судга жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидовичга нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган бино-иншоотларни бузишлик тўғрисидаги даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда ва суд мажлисида даъвогарнинг ишончли вакили Азаматов Шахзод Фурқатович ўз тушунтиришида, ҳақиқатдан ҳам Пахтачи туман “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғини “Бекназар” фермер хўжалигининг ҳудудида жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович тегишли тартибда хужжатларни расмийлаштирмасдан ўзбошимчалик билан эгаллаб, ер майдонининг 112 кв.м. қисмида ноқонуий равишда уй-жой қурганлиги аниқланганлигини билдириб, “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғинида қишлоқ хўжалиги харитасининг 296қ-контуридаги ер майдонининг 112 кв.м. қисмида ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойини жавобгарни ҳисобидан буздиришни ҳамда 0,12 га ер майдонини яроқли ҳолатга келтирилган ҳолда фермер хўжалиги ихтиёрига қайтаришни сўради.

Судда жавобгар сифатида сўралган Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидовични ўз тушунтиришида ҳақиқатда ҳам у Пахтачи туман, Зарафшон МФЙда ўзбошимчалик билан 112 кв.м. уй-жой қуриб ҳозирги кунда яшаб келаётганлигини, у уй-жойни хужжатларини расмийлаштириш учун сарсон бўлганлигини, аммо уй-жойга эгалик қилувчи хужжат қилаолмаганлигини, уй-жойига нисбатан туман ҳокимининг қарори ҳам мавжуд эмаслигини билдириб, уй-жойини бузмасликни сўради.

Судда сўралган Пахтачи туман ҳокимлиги ишончли вакили Ш.Хидиров ўз тушунтиришида жавобгар томонидан Пахтачи тумани “Зарафшон” МФЙ ҳудудида “Бекназар” фермер хўжалигининг ер майдонининг 0,12 га қисмини ўзбошимчалик билан эгаллаб, рухсат этувчи хужжатларсиз 112 кв.м. иборат ноқонуний қурилма қурилганлигини билдириб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни сўради.

Суд манфаатдор шахс “Бекназар” фермер хўжалиги раиси Бобомуродов Азим суд мажлисининг куни вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиришга қарамасдан узрли сабабларсиз суд мажлисига келмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддаси

3-қисми тартибida ишни манфаатдор шахс “Бекназар” фермер хўжалигининг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган Пахтachi туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ишончли вакили Исломов Вали Тухтаевич ўз тушунтиришида жавобгар Пахтachi туман “Зарафшон” МФЙ “Бекназар” фермер хўжалигининг ҳудудида жойлашган 296қ-контурдаги ер майдонининг 112 кв.м. га ўзбошимчалик билан уй-жой қуриб, жами 0,12 га ер майдонини эгаллаб олганлигини, ушбу ер майдонига уй-жой қуриш мумкин эмаслигини билдириб, дъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган Пахтachi туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўлими ишончли вакили Хасанов Абдулатиф Рамилович ўз тушунтиришида жавобгар Пахтachi туман “Зарафшон” МФЙ “Бекназар” фермер хўжалигининг ҳудудида жойлашган 296қ-контурдаги ер майдонининг 112 кв.м. га ўзбошимчалик билан уй-жой қуриб, жами 0,12 га ер майдонини эгаллаб олганлигини, ушбу ер майдонига уй-жой қуриш мумкин эмаслигини билдириб, дъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни сўради.

Суд, тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш материаллари билан танишиб чиқиб, уларга ҳукуқий баҳо бериб, қўйидаги асосларга кўра, даъвогар Пахтachi туман фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгашининг жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидовича нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани жавобгар ҳисобидан буздириш хақидаги даъвосини қаноатлантиришни лозим деб топади.

Аниқланишича, жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович рухсат этувчи ҳужжатларсиз Пахтachi тумани “Зарафшон” МФЙдаги 296қ-контурдаги ер майдонининг 0,12 га қисмини эгаллаб олиб, 112 кв.м да ўзбошимчалик билан қурилмалар қурилганлиги аниқланган.

Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ўрганиш натижалари бўйича ишчи гуруҳнинг далолатномасида фуқаро Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович Пахтachi тумани, “Зарафшон” МФЙда ўзбошимчалик 0,12 кв.м. иборат ер майдонини эгаллаб олганлиги тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 212-моддаси талабларига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини бўзган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоат ёки ўзга кучмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган ҳисобланиб, ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳукуклари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан суднинг қарорига биноан иморатни курган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташлашлиги белгиланган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 91-моддасига кўра ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилади. Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер

участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

Суд, юқоридаги қонун талаблари ҳамда иш ҳолатлари асосида жавобгар томонидан қурилган қурилмалар рухсат этувчи хужжатларсиз қурилганлигини инобатга олиб, жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович томонидан нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган қурилишлар жавобгар ҳисобидан бузиб ташлашни ва 0,12 га ер майдони фойдаланишга яроқли ҳолатга келтирилган ҳолда “Бекназар” фермер хўжалиги ихтиёрига қайтаришини ва даъвогар Пахтачи туман фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгашининг фойдасига дастлаб почта харажатлари учун тўланган 15 610 сўм ундиришни лозим топди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 141-моддасига кўра ишни кўриш билан боғлик бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Суд жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидовичдан давлат фойдасига 446 000 сўм давлат божи униришни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 220, 249-253-моддалари талаби асосида,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Пахтачи туман фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгашининг жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидовича нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани бузиш ва ер майдонини фермер хўжалиги ихтиёрига қайтариш ҳақидаги даъво талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович томонидан Пахтачи тумани “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғини худудида 296қ-контуридаги ер майдонида 112 кв.м.дан иборат ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович ҳисобидан буздирилсин ҳамда 0,12 га ер майдони фойдаланишга яроқли ҳолатга келтирилган ҳолда “Бекназар” фермер хўжалиги ихтиёрига қайтарилсин.

Жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидовичдан даъвогар Пахтачи туман фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгашининг фойдасига дастлаб почта харажатлари учун тўланган 15 610 сўм ундирилсин.

Жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович ҳисобидан давлат фойдасига 446 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар 20 кун муддат ичida шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция судлов инстанциясига апелляция тартибида шикоят қилиши ёки 6 ой ичida шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация судлов инстанциясига кассация тартибида шикоят қилиши, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи

С.Н.Турсунов

СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2020 йил март ойининг 12 куни фуқаролик ишлари бўйича Каттақурғон туманлараро судининг очиқ сайёр суд мажлиси Пахтаки туман “Жаҳонобод” маҳалла фуқаролар йигини биносида бўлиб,

раислик этувчи, судья Турсунов Суҳроб Норкулович,

С.Омоновнинг котиблигида, даъвогар Пахтаки туман фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгашининг жавобгари Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидовичга нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган қурилмани бузиш ва ер майдонини фермер хўжалиги ихтиёрига қайтариши ҳақидаги даъво аризаси бўйича фуқаролик ишини кўриб чикди.

Раислик этувчи суд мажлисини очиб, қўриладиган ишини эълон қилди Котиб суд мажлисида тарафларнинг ҳозирлигини аммо манфаатдор шахс фермер хўжалик раисини узрли сабабсиз суд мажлисига чакрув бўйича ҳам келмаганлиги ҳақида маълум қилди.

Раислик этувчи ўз жойида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддасининг 3-банди талабига кўра ишини манфаатдор шахс “Бекназар”фермер хўжалик раисининг иштирокисиз кўриб чиқшига ажрим қилди

Раислик этувчи тарафларни шахсини аниқлади.

Даъвогар Пахтаки туман фермер, дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши ишончли вакили Азаматов Шахзод Фурқатович 1997 йилда Пахтаки туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, Пахтаки туман фермерлар кенгашида ҳуқуқшунос лавозимида ишлайди, Пахтаки тумани, Сарой МФЙда яшайди.

Шахсига оид саволлар бўлмади.

Жавобгар

Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович

14.10.1988 йилда туўулган миллати ўзбек, ойлали 2-нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, Пахтаки туман, Зарафшон МФЙда яшайди.

Шахсига доир саволлар бўлмади.

Даъво аризаси нусҳасини олган.

Мутахасис: Пахтаки туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ишиончли вакили Исломов Вали Тухтаевич 17.18.1988 йилда тугилган, маълумоти олий, ойлали, 1 нафар фарзанди бор, кадастр бўлимида мутахасис, Пахтаки тумани, Зарафшон МФЙда яшайди.

Шахсига доир саволлар бўлмади.

Мутахасис: Пахтаки туман ер тузии ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ишиончл вакили Хасанов Абдулатиф Рамилович. 1972 йилда тугилган ўзбек, ойлали, 2 нафар фарзанди бор, ўпта-маҳсус мутахасис лавозимда ишилайди. Пахтаки тумани, А.Темур МФЙда яшайди.

Шахсига доир саволлар бўлмади.

Раислик этувчи суд таркибини эълон қилиб, суд таркибига раддиялар берииш ҳуқуқларини тушунтируди.

Суд таркибига тарафларни раддиялар бўлмади.

Раислик этувчи тарафларга Ўз.Рес.ФПК 40-44-моддаларида назарда туттилган тарафларнинг процессуал ҳуқук ва мажбурияятларини тушунтируди.

Раислик этувчи ишини мазмунан кўриб чиқишни бошлишини эълон қилиб, даъво аризани ўқиб эшиштируди.

Даъвогар даво аризан қувватлади.

Даъвогар Каттақурғон туман хокимлиги ҳуқуқшуноси Азаматов Шахзод Фурқатовичнинг тушунтириши.

- Ҳақиқатдан ҳам Пахтаки туман “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғини “Бекназар” фермер хўжалигининг ҳудудида жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович тегишили тартибда хужжатларни расмийлаштирмасдан ўзбошимчалик билан эгаллаб, ер майдонининг 112 кв.м. қисмида ноқонуий равишда уй-жой қурганлиги аниқланганлигини билдириб, “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғинида қишлоқ хўжалиги харитасининг 296-к-

контуридаги ер майдонининг 112 кв.м. қисмида ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойини жавобгарни ҳисобидан буздиришини сўрайман.

Саволлар бўлмади.

Жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович нинг тушунтириши.

Ҳақиқатда ҳам мен Пахтаки туман, Зарафшон МФЙда ўзбошимчалик билан 112 кв.м. уй-жой қуриб ҳозирги кунда яшаб келаяпман, мен уй-жойини хужжатларини қилиши учун жуда куп сарсон бўлдим, аммо уй-жойга эгалик қилувчи хужжат қилаолмадим, уй-жойига нисбатан туман ҳокимининг қарори ҳам мавжуд эмас, уй-жойини бузмасликни сўрайман.

Саволлар бўлмади.

Мутахасис: Пахтаки туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ишончли вакили Исломов Вали Тухтаевичнинг тушунтириши.

Ҳақиқатдан ҳам жавобгар Пахтаки туман “Зарафшон” МФЙ “Бекназар” фермер хўжалигининг ҳудудида жойлашган 29бқ-контурдаги ер майдонининг 112 кв.м. га ўзбошимчалик билан уй-жой қуриб олган, ушбу ер майдонига уй-жой қуриши мумкин эмас, дъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришини сўрайман.

Саволлар бўлмади.

Мутахасис: Пахтаки туман ер тузии ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ишончл вакили Хасанов Абдулатиф Рамиловичнинг тушунтириши.

Ҳақиқатдан ҳам жавобгар Пахтаки туман “Зарафшон” МФЙ “Бекназар” фермер хўжалигининг ҳудудида жойлашган 29бқ-контурдаги ер майдонининг 112 кв.м. га ўзбошимчалик билан уй-жой қуриб олган, ушбу ер майдонига уй-жой қуриши мумкин эмас, дъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришини

Саволлар бўлмади.

Раислик этувчи тарафлардан суд муҳокамасига бошқа қўшиимчалари бор ёки йўқлигини сўради:

Тарафларни суд муҳокамасига бошқа қўшиимчалари бўлмади.

Раислик этувчи ишида мавжуд ҳужжатларни таҳлил қилиб, суд музокараларига ўтишини билдириди.

Даъвогар Пахтаки туман ҳокимилиги ҳуқуқшуноси Азаматов Шахзод Фурқатовичнинг музокара сўзи.

Даъво аризани тулиқ қаноатлантиришингизни сўрайман.

Жавобгар Абдуазизов Бахтиёр Абдухамидович нинг музокара сўзи.

Уйимни бузмаслигингизни сўрайман.

Раислик этувчи алоҳида хонага кирди.

Раислик этувчи алоҳида хонадан чиқиб, ҳал қилув қарорини ўқиб эшииттириб, тарафларга суд қарорига нисбатан шикоят бериши ҳуқуқини тушунтириб суд мајслисини ёпиқ деб эълон қилди.

Раислик этувчи тарафларга ўтишишларини таклиф этиб ва суднинг бундай холосага келишиига асос бўлган қонун, қонун ости хужжатлари ва қандай далилларга асосланганлигини, холосани мазмун моҳиятини тушунтирди.

Раислик этувчи судъя

Котиб